

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ЖАСУР ТОЛИБОВИЧ

**АОРТОКОРОНАР ШУНТЛАШДАН КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРДА
ИНТЕНСИВ ТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 - Анестезиология ва реаниматология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in
medical sciences**

Юсупов Жасур Толибович

Аортокоронар шунтлашдан кейинги беморларда
интенсив терапияни такомиллаштириш 3

Юсупов Жасур Толибович

Оптимизация интенсивной терапии больным
после аортокоронарного шунтирования..... 27

Yusupov Jasur Tolibovich

Optimization of intensive care for patients
after coronary bypass grafting..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВ ЖАСУР ТОЛИБОВИЧ

**АОРТОКОРОНАР ШУНТЛАШДАН КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРДА
ИНТЕНСИВ ТЕРАПИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 - Анестезиология ва реаниматология

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3965 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университети, Республика юстицияси таъин қилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (режаме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва "Зиенет" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Матлубов Мансур Муратович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Атаханов Шухрат ʻЭргашевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Газиев Зоир Тоҳирович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Ётақчи ташкилот:	И. К. Аҳунбаев номидаги Қирғиз давлат тиббиёт академияси (Қирғизистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил "18" 10/2025 соат 19:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент ш. Яшнобод гумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66; э-майл: ilmiy.kengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод гумани. Паркент кўчаси, 294-уй. Тел./факс: (+99855) 503-03-66).

Диссертация автореферати 2026 йил "18" 10/2025 куни тарқатилди (2026 йил "18" 10/2025 даги 1 рақамли реестр баённомаси)


Б.Я. Умаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори


Ф.К. Комидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент


Н.Ш. ʻЭргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссиясидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) касалланиш ва ўлим сабаблари бўйича асосий ўринни эгаллайди. Улар орасида юрак ишемик касаллиги (ЮИК) айниқса катта ёшдаги аҳолида энг муҳим улушни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, ҳар йили юрак-қон томир касалликларидан 17 миллиондан ортиқ одам, уларнинг 7 миллиондан ортиғи юрак ишемик касаллигидан вафот этади. Бутун дунёда аёллар учун ҳам, эркеклар учун ҳам ЮИК ўлимнинг асосий сабаби ҳисобланади. Америка юрак ассоциацияси маълумотларига кўра, 15 миллиондан ортиқ одам касалликнинг у ёки бу шаклидан азият чекмоқда. ЮИК юрак қон томирларида атеросклеротик пилакча ҳосил бўлиши натижасида ривожланади, бу эса кислород ва озик моддалар етишмаслигига олиб келади. «Атеросклерознинг мураккаб жараёни эрта ёшда коронар артерияларни эндотелиал хужайралар функциясининг бузилиши билан бошланади, улар энди азот оксиди таъсирида томир тонусини (томирларнинг кенгайиши ёки торайиши) етарли даражада тартибга солишга қодир эмас...»¹ Томир деворининг холестерин ташувчи липопротеин заррачалари билан инфильтрацияланиб бориши яллиғланиш реакциясининг холестерин билан тўлиб турган макрофаглар «кўпиксимон хужайралар» орқали тарқалиб боришига олиб келади. «Томир девори остидаги силлиқ мушак хужайралари кўпаяди ва томирнинг қайта шаклланишига олиб келади, бу эса охир-оқибат қон оқимида тўсқинлик қиладиган томирнинг торайишига олиб келиши мумкин. Миокард инфаркти («юрак хуружи») одатда пилакча юзасида тромбнинг ёрилиши натижасида юзага келади - бу юрак мушагини етарли қон оқимидан маҳрум қилади ва хужайраларнинг нобуд бўлишига олиб келади».²

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ҳозирги вақтда интенсив терапия ва жарроҳлик тактикасининг замонавий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда ЮҚТК ва улар билан боғлиқ патологик ҳолатлар билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга ёрдам берадиган кўплаб чора-тадбирларга эга. Малакали тиббий хизмат сифатини ошириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида етита асосий йўналиш бўйича белгиланган асосий вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда ЮҚТКдан ўлим бошқа патологияларга нисбатан 55,6% ни ташкил этди. Замонавий диагностика ёндашувлари туфайли мумкин бўлган коронар артерияларнинг кўп томирли шикастланишларини аниқлаш ЮИКни жарроҳлик йўли билан даволаш зарурияти ҳолатларининг кўпайишига олиб

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2019/en/statistics.htm>; 2019

² Tursunov S, Khodjaev N. Obesity and its impact on ischemic heart disease burden in Uzbekistan 2022;6(1):45–52.

келмоқда. Шу муносабат билан ушбу патологияни даволашнинг умумэтироф этилган ва самарали усули аортокоронар шунтлаш (АКШ) ҳисобланади. Сўнгги йилларда жарроҳлик техникаси ва анестезиологик қўлланманинг такомиллаштирилиши жарроҳлик аралашувидан кейинги 30 кун ичида салбий оқибатлар ривожланиш хавфининг сезиларли даражада пасайиши билан бирга кечмоқда. Масалан, режали АКШ билан 30 кунлик ўлим 1-3% ни ташкил қилади. Кўпинча ўлим операция пайтида ва операциядан кейинги эрта даврда ривожланадиган ишемик инсульт каби асорат натижасида юзага келади. Операциядан кейинги эрта даврда бошқа жиддий асоратларга миокард инфаркти (МИ), буйрак етишмовчилиги, титроқ аритмия (МА), касалхона ичи инфекцияси ҳам кириши мумкин.

Ўзбекистонда кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилаш учун очик юракда операциядан кейинги асоратларни олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда «касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»га қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, ривожланишнинг хавф омилларини эрта босқичларда аниқлаш, асоратларнинг олдини олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам ҳажмини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси» ва 2022 йил 26 январдаги «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари³ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқотимиз Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. "Тиббиёт и фармакология." устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жарроҳлик аралашувлари ва сунъий қон айланиши (СҚА) - бу тизимли яллиғланиш реакциясини келтириб чиқарадиган, комплемент тизимини фаоллаштирадиган ва цитокинлар чиқарилишини ишга туширадиган тиббий ҳолатлардир. ИЛ-6, ИЛ-10 ва ўсма некрози омили-альфа (ЎНО- α) яллиғланиш реакциялари ўткир фазасининг асосий медиаторлари ҳисобланади. Экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, цитокинлар ишлаб чиқаришнинг кўпайиши бир нечта физиологик тизимларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

³ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

Одам юрак тўқимасида ИЛ-6, ИЛ-2 ва ЎНО- α манфий инотроп таъсирга эга. Цитокинларнинг периоперацион ажралиб чиқиши юракда жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда юрак-қон томир тизимининг беқарорлиги билан боғлиқлиги кўрсатилган (Лунина, А. Н. ва ҳаммуал., 2023). Ҳозирги вақтда турли ёш даврларида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг периоператив ажралиши ҳақида маълумотлар кам.

Бизга маълум бўлишича, аортокоронар шунтлаш (АКШ) жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларда ёшга қараб цитокинлар даражасининг ўзгаришини ўрганадиган тадқиқотлар жуда кам.

Ягона химоя реакциясини яратиш учун цитокин тармоғи тизимли яллиғланиш реакцияси (ўткир фазага жавоб) ривожланишида нейроэндокрин, иммун, қон яратувчи ва бошқа тизимлар ўртасида воситачи ҳисобланади. Цитокинлар биринчи навбатда маҳаллий химоя реакцияларининг ривожланишини бошқариб, яллиғланиш реакциясини шакллантиради. Агар маҳаллий реакциялар муваффақиятсиз бўлса, яллиғланиш кучаяди, цитокинлар ишлаб чиқарилиши кўпаяди ва улар қон оқимида тушиб, тизимли даражада ўз таъсирини кўрсатади. Адабиётлар маълумотлари АКШ бажарилган беморларда операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишида ЎНО- α , ИЛ-6, ИЛ-10, ИЛ-1 лар цитокинларнинг ролини кўрсатади, аммо кузатув даври қисқа бўлганлиги сабабли (операциядан кейинги даврнинг 24 соатигача) цитокин тизимининг фаоллиги тўғрисидаги ушбу маълумотлар ҳақиқий манзарани тўлиқ акс эттира олмайди. Баъзи тадқиқотларда АКШ дан кейин миокарднинг шикастланиши натижасида ҳосил бўладиган яллиғланишга қарши цитокинлар (ЎНО- α , ИЛ-6) ҳақида маълумотлар мавжуд. Шу муносабат билан, баъзи муаллифларнинг фикрича, операциядан кейинги асоратлари бўлган беморларда иммун жавоб реакцияси яллиғланиш олди йўлининг ривожланишига асосланади.

Ҳозирги вақтда тадқиқот ишларида асосий эътибор кардиологик патологияни даволашнинг консерватив ва оператив усулларида қаратилган (Бабаджанов С. А. и др. 2020; Шарипов И. М., Ярбеков Р. Р. 2018). Аорта коронар шунтлашдан кейин яллиғланишга қарши терапияни такомиллаштиришга бағишланган ишлар эса жуда кам.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мавзу Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган (*баённома №5 27.05.2023 йил*) ва СамДТУ илмий кенгашида тасдиқланган (*баённома №10 07.06.2023 йил*).

Тадқиқот мақсади. Операциядан кейинги эрта асоратларнинг профилактикаси учун аортокоронар шунтлаш ўтказилган беморларда интенсив терапия тактикасини патогенетик асослаш ва натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган беморларда операциядан кейинги эрта асоратларни башорат қилиш мезонларини ишлаб чиқиш учун организмнинг ҳаётий кўрсаткичларини, операциядан олдинги ва

операциядан кейинги эрта даврларда тизимли яллиғланиш маркерларидаги ўзгаришларнинг диагностик аҳамиятини ўрганиш.

аортокоронар шунтлашдан кейин беморларда юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг индивидуал хавфини аниқлаш ва даволаш тактикасини белгилаш учун операциядан кейинги эрта асоратлар хавфини кўп омилли прогнозлашнинг интеграл тизимини ишлаб чиқиш.

аортокоронар шунтлашдан кейинги асоратларни ўрганиш асосида яллиғланишга қарши терапия сифатида улинастатин препаратини комплекс терапия таркибига киритиш билан беморларни олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

аортокоронар шунтлаш операциясини ўтказган беморларда, стандарт даволаш усули билан таққослаганда, комплекс терапия таркибига улинастатин препаратини киритишнинг операциядан кейинги эрта асоратлар сонига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқот объекти 160 нафар бемор бўлиб, уларга сунъий қон айланишсиз аортокоронар шунтлаш (АҚШ) ва сунъий қон айланиш аппарати ёрдамида АҚШ ўтказилган. Улар 2021-2025 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилояти минтақавий филиали кардиохирургия бўлимида операция қилинган. Беморларнинг ёши 51 дан 90 ёшгача бўлган.

Тадқиқот предмети: қон айланиш ва нафас олиш тизимлари, симпатоадренал ва цитокин тизимларининг функционал ҳолати.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бир нечта коронар артериялар зарарланиши бўлган беморларда операциядан олдинги даврда ҳаётий муҳим кўрсаткичлар ва тизимли яллиғланиш маркерлари (интерлейкин -6 (ИЛ-6), ўсма некрози омили- α (ЎНО), С-реактив оқсил (СРО), прокалцитонин ва заҳарланишнинг лейкоцитар индекси (ЗЛИ)) кўрсаткичлари текширув натижалари асосида, операциядан кейинги эрта асоратлар хавфини аниқлашнинг кўп омилли прогностик шкаласи ишлаб чиқилган;

операциядан кейинги эрта даврда (биринчи, учинчи кунлар ва касалхонадан чиқишдан олдин) тизимли яллиғланиш маркерлари кўрсаткичларини баҳолаш билан кўп омилли прогностик шкала асосида аортокоронар шунтлашдан кейин беморларда комплекс интенсив терапияда улинастатин препаратини қўллаш самарадорлиги аниқланган;

операциядан кейинги ривожланган эрта асоратларнинг тизимли яллиғланиш маркерлари (СРО, ЎНО- α , ИЛ-6, прокалцитонин, ЗЛИ) билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги исботланган;

аортокоронар шунтлаш амалиёти ўтказилган беморларда тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолати кўрсаткичлари (СРО, ЎНО- α , ИЛ-6, прокалцитонин ва ЗЛИ) динамикасини ўрганиш асосида комплекс интенсив терапия таркибида улинастатин препаратини қўллаш зарурати бўлган коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган беморларга киритиш учун ишлаб чиқилган алгоритмнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги патогенетик жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АКШ ўтказган беморларда операциядан кейинги мумкин бўлган эрта асоратлар хавфи даражасини аниқлаш учун зарур бўлган кўп омилли прогностик шкала ишлаб чиқилган;

хавф даражасига қараб операциядан кейинги эрта асоратларни башорат қилишнинг оптимал мезонларини аниқлаш асосида ҳар бир аниқ клиник вазият учун интенсив терапияни ташкил этишнинг тактик ечимлари таклиф этилган;

операциядан кейинги мумкин бўлган эрта асоратлар хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда, профилактика ва даволаш мақсадида АКШ операциясини ўтказган беморлар учун улинастатин препаратини қўллашнинг оптимал хавфсиз режими таклиф этилган;

тизимли яллиғланиш маркерлари (СРО, ЎНО- α , ИЛ-6, прокалцитонин ва ЗЛИ) кўрсаткичлари динамикасини ҳисобга олган ҳолда операция вақтидаги ва операциядан кейинги даврда улинастатинни қўллаш дозалари ва режимлари шакллантирилган;

клиник-функционал ва биокимёвий тадқиқотлар асосида АКШ амалиёти ўтказилган беморларда операциядан кейинги эрта асоратларни олдини олиш ва даволаш бўйича аниқ тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диагностиканинг замонавий лаборатор ва инструментал усулларида фойдаланилганлиги, далилларга асосланган тиббиётга асосланган натижалар ва хулосалар билан тасдиқланган. Статистик қайта ишлаш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мавжуд хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, АКШ ўтказган беморларда диагностика ва интенсив терапия жиҳатларини ўрганишда муҳимдир. Ушбу тадқиқотнинг алоҳида натижалари фаннинг турли соҳаларида, масалан, амалий соғлиқни сақлаш билан боғлиқ ўқув жараёнида, анестезиология ва реанимация бўлимида, кардиология ва кардиожарроҳлик бўлимида қўлланилиши мумкин. Замонавий клиник-функционал диагностика усуллари ёрдамида олинган маълумотлар комплекс даволаш ва профилактика чоралари таркибида кардиохирургик беморларга кенг спектрли протеаза ингибиторлари "Улинастатин"ни ўз вақтида қўллаш учун анестезиологик ва реанимацион чора-тадбирларнинг янги усуллари қўллаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яллиғланиш олди интерлейкин-6, СРО, ЎНО- α , прокалцитонин ва ЗЛИни ўрганиш асосида операциядан кейинги эрта даврда септик асоратларни прогностлаш, шунингдек, аорта-коронар шунтлаш ўтказилган беморларда кенг спектрли протеазалар ингибитори "Улинастатин"нинг оптимал дозаси дан фойдаланиш ҳар бир муайян клиник вазиятда ёндашувни индивидуаллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аортокоронар шунтлашдан кейинги беморларда интенсив терапияни такомиллаштириш

бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ хузуридаги Илмий-техник кенгаши 17.11.2025 й. 29/71-сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: илк бор бир нечта коронар артериялар зарарланиши бўлган беморларда операциядан олдинги даврда ҳаётий муҳим кўрсаткичлар ва тизимли яллиғланиш маркерлари (ИЛ-6, ЎНО-α, СРО, прокалцитонин ва ЗЛИ) кўрсаткичлари текширув натижалари асосида, операциядан кейинги эрта асоратлар хавфини аниқлашнинг кўп омилли прогностик шкаласи ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти минтақавий филиали (13.09.2025 й. №129 буйруғи), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.09.2025 й. №95 буйруғи) билан амалий фаолиятга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ҳар бир муайян клиник вазият учун операциядан кейинги эрта асоратлар хавфи даражасини прогноз қилиш имконини берувчи балларда коэффицентни жамлаш орқали операциядан кейинги эрта асоратлар сонини камайтиришдан иборат бўлган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* операциядан олдинги даврда кўп омилли прогностик шкала асосида операциядан кейинги эрта асоратлар хавфи даражаси аниқланаган. Бу эса операциядан олдинги даврда даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга, дори воситаларини ортиқча қўллашнинг олдини олишга ва асоратларни даволаш харажатларини камайтиришга имкон берган. Шу сабабли, асосий гуруҳдаги беморларнинг шифохонада қолиш муддати анъанавий даволаш-ташхислаш тактикаси қўлланилган беморларга нисбатан 1,3 баравар қисқарган. *Хулоса:* Тадқиқот натижалари асосида такомиллаштирилган прогностик ёндашув эрта асоратлар хавфини баҳолашни яхшилаб, даволаш тактикасини мақбуллаштирган, интенсив терапия муддатини қисқартирган ҳамда тиббий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаган.

иккинчи илмий янгилик: аортокоронар шунтлашдан сўнг беморларда комплекс интенсив терапияда улинастатин препаратини қўллаш кўп омилли прогностик шкала асосида жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта даврда (биринчи, учинчи кунлар кунлар ва шифохонадан чиқишдан олдин) тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолати (СРО, ЎНО-α, ИЛ-6, прокалцитонин ва ЗЛИ) кўрсаткичларини баҳолаш. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти минтақавий филиали (13.09.2025 й. №129 буйруғи), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.09.2025 й. №95 буйруғи) билан амалий фаолиятга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш билан кўп омилли прогностик шкаладан фойдаланиш жарроҳлик амалиётидан кейинги мумкин бўлган асоратлар хавфини эрта ташхислаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва АКШ операцияларидан кейин беморларнинг ўлими ва ногиронлигини истисно қилишга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:*

аортокоронар шунтлашдан кейин беморларда комплекс интенсив терапияда улинастатин препаратини қўллаш аортокоронар шунтлаш билан оғриган беморларнинг шифохонада қолишини 5 кунга қисқартириш ва бюджет маблағларини ўртача 22,73% га тежаш имконини берган. *Хулоса:* Такомиллаштирилган интенсив терапияда тизимли яллиғланиш маркерларини динамик баҳолаш ва патогенетик асосланган ёндашувни қўллаш эрта асоратлар хавфини ишончли камайтирган, даволаш натижаларини яхшилаган, беморларнинг функционал тикланишини тезлаштирган ҳамда стационар даволаш жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилган.

учинчи илмий янгилик: операциядан кейинги ривожланган эрта асоратларнинг тизимли яллиғланиш маркерлари (СРО, ЎНО- α , ИЛ-6, прокалцитонин, ЗЛИ) билан тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлиги исботланган. Корреляцион таҳлил натижасида даво муолажалари ўтказилиб, операциядан кейинги эрта асоратларни 1,9 марта камайтириш имкониятини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти минтақавий филиали (13.09.2025 й. №129 буйруғи), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.09.2025 й. №95 буйруғи) билан амалий фаолиятга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* беморларга паст бошланғич прогностик кўрсаткич (БПК) 12-20 балл, ўрта - (БПК) 21-30 балл, юқори -(БПК) 31-40 балл ва жуда юқори -(БПК) 41-60 балл хавф тоифасини белгилаш билан операциядан кейинги асоратларнинг дастлабки ҳолатини аниқлаш операциядан кейинги эрта асоратлар сонини камайтиришни таъминлаган, бунинг натижасида беморларнинг касалхонага ётқизиш муддати қисқарган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* аортокоронар шунтлаш амалиётларидан кейин беморларнинг шифохонада қолиш муддатини қисқартириш натижасида иқтисодий самарадорликка эришилган. Операциядан кейинги эрта асоратларни башорат қилишнинг кўп омилли шкаласидан фойдаланиш ресурсларни оқилона тақсимлаш, асоратларни даволаш ва беморларни реабилитация қилиш харажатларини камайтириш имконини берган, шунингдек, операциядан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам берган. *Хулоса:* Операциядан олдин яллиғланиш маркерларини баҳолаш ва прогностик шкаладан фойдаланиш эрта асоратлар хавфини аниқлаб, интенсив терапияни индивидуаллаштирган. Бу ёндашув асоратлар сонини камайтириб, стационарда даволаниш муддатини қисқартирган ва ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаган.

тўртинчи илмий янгилик: кардиожарроҳлик клиникасининг клиник амалиётига бир нечта коронар артерияларнинг зарарланиши бўлган беморларни комплекс интенсив терапия таркибида улинастатин препаратини қўллаш зарурати билан киритиш учун патогенетик асосланган, самарали ва хавфсиз алгоритм амалиётдан кейинги эрта даврда аортокоронар шунтлаш ўтказган беморларда тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолати кўрсаткичлари (СРО, ЎНО- α , ИЛ-6, прокалцитонин ва ЗЛИ) динамикасини ўрганиш асосида жорий этилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика

ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилояти минтақавий филиали (13.09.2025 й. №129 буйруғи), Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (03.09.2025 й. №95 буйруғи) билан амалий фаолиятга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* операциядан олдинги даврда СРО, ЎНО-α, ИЛ-6, прокалцитонин ва ЗЛИ ни аниқлаш, шунингдек, яллиғланиш жараёнларини даволаш ва олдини олиш учун улинастатинни қўллаш ҳаётни ушлаб турувчи асосий тизимлари томонидан ўлим ва асоратларни камайтириш, даволаш сифатини яхшилаш ва аорткоронар шунтлашдан кейин беморларнинг тезроқ соғайишини таъминлаш орқали самарадорликни кўрсатган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* улинастатин ёрдамида интенсив терапиянинг таклиф этилган алгоритминини жорий этиш операциядан кейинги эрта асоратлар сонини 1,9 марта камайтириш ва назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўшимча даволаш ресурсларига бўлган эҳтиёжни пасайтириш имконини берган. Таклиф этилаётган даволашда улинастатинни қўллаш алгоритмининг жорий этилиши уларнинг кардиохирургик клиникада бўлиш муддатини 5 кунга қисқартирган. *Хулоса:* Тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолати динамикасига асосланган ҳолда комплекс интенсив терапияга улинастатинни киритиш бўйича патогенетик асосланган алгоритм амалиётга жорий этилиши яллиғланиш жараёнларини назорат қилишни яхшилаган, эрта асоратлар ва ўлим хавфини камайтирган, даволаш самарадорлигини оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Бажарилган иш ҳажми 103 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Юрак касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашга замонавий қарашлар (адабиётлар шарҳи)**» умуман ЮИК тўғрисидаги замонавий адабиёт манбалари кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган, шунингдек, коронар артерияларнинг кўп

томирли шикастланишининг ўзига хос хусусиятлари, тизимли яллиғланиш белгилари, ЮИК билан оғриган беморларда ёндош патологиянинг кечиши, юрак етишмовчилиги бўлган беморларда операциядан кейинги асоратларнинг ривожланишида реанимация ва кардиологик тактика тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган ва асосий реанимация муаммолари, ҳал қилинмаган масалалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Аортокоронар шунтлашдан кейин беморларда интенсив терапияни такомиллаштириш бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари» Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд вилоят минтақавий филиалининг кардиохирургия бўлимида 2021-2025 йиллар давомида даволанган 160 нафар беморнинг касаллик тарихлари, наркоз карталари ва интенсив кузатув карталари, клиник-функционал ва биокимёвий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишда олинган маълумотлар тақдим этилган. Сунъий қон айланиш шароитида ва усиз операция қилинган барча беморларнинг дастлабки ҳолати, аортокоронар шунтлашдан (АКШ) кейинги эрта операциядан кейинги даврнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

АКШ дан кейинги эрта асоратларни ташхислаш ва интенсив даволаш тактикасига қараб, беморлар 2 гуруҳга бўлинган ($n=160$): асосий ва назорат гуруҳи. Асосий гуруҳни 80 нафар (50%) бемор ташкил этди, уларда даволаш-ташхислаш жараёни кўп омилли прогностик шкаладан фойдаланган ҳолда операциядан кейинги эрта асоратлар хавфини башорат қилиш, шунингдек, улинастатин билан яллиғланишга қарши терапия билан тўлдирилди. Назорат гуруҳига анъанавий даволаш-ташхислаш тактикаси ўтказилган 80 нафар (50%) бемор киритилди. Барча беморлар режали тартибда операция қилинди. Иккала гуруҳда ҳам ЎСВ билан умумий кўп компонентли комбинацияланган анестезия қўлланилди.

ЮИК фонидаги ёндош патологиялар қуйидагиларни ўз ичига олди: артериал гипертензия ($n=160$), 2-тип қандли диабет ($n=37$), сурункали бронх-ўпка касалликлари ($n=23$), аритмиялар ($n=5$), семизлик ($n=14$), буйрак касалликлари (асосан сурункали пиелонефрит) ($n=12$), простата безининг хавфсиз гиперплазияси ($n=6$) ва турли даражадаги анемия ($n=7$).

Бир қатор беморларда 2-3 ёндош касалликларнинг бирга келиши кузатилди. Операция давомийлиги аралашув ҳажмига мос келди, аммо оғир коморбидликда, ҚАЕ, аритмиялар ва семизлик мавжуд бўлганда, айниқса ТМИ $\geq 35-40$ кг/м² бўлганда сезиларли даражада ошди.

Операциянинг ўртача давомийлиги 4 соат 30 ± 20 дақиқани, СҚА вақти 85 ± 36 дақиқани, интраоперацион қон йўқотиш 650 ± 50 мл ни ташкил этди.

Аксарият ҳолларда юрак операцияларида оптимал йўл сифатида тўлиқ ўрта стернотомия ($n=140$) қўлланилган; қисман пастки стернотомия ($n=15$) ва чап томонлама олдинги торакотомия ($n=5$) камроқ бажарилган.

Беморларнинг ўртача ёши 68 ± 22 ёшни ташкил этди, бунда беморларнинг аксарияти 51-60 ва 61-70 ёш гуруҳларига тўғри келди. 81-90 ёшда 5 нафар бемор (3 эркак ва 2 аёл) бўлган (1-жадвал).

Текширилган беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларда тақсимланиши

Ёш	I гуруҳ (n=80)				II гуруҳ (n=80)			
	эркаклар		аёллар		эркаклар		аёллар	
	Мутлақ сон	%	Мутлақ сон	%	Мутлақ сон	%	Мутлақ сон	%
51 - 60	15	18,75	17	21,25	18	22,5	14	17,5
61 - 70	17	21,25	15	18,75	19	23,75	19	23,75
71 - 80	5	6,25	9	11,25	3	3,75	4	5
81 - 90	1	1,25	1	1,25	2	2,5	1	1,25
Жами:	80				80			

160 нафар беморда I босқич (I-II ФС NYHA) 121 нафар (75,6%), II босқич (III ФС NYHA) 39 нафар (24,3%) беморда аниқланди. ASA шкаласи бўйича беморларнинг аксарияти III-IV синфга тўғри келди, бу ўртача ва оғир даражадаги коррекцияланган ёндош патология билан боғлиқ. Анестезия усули ҳаётни таъминлаш тизимларининг функционал захираларини ва интраоперацион асоратлар хавфини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда танланган.

Ўртача динамик босим (ЎДБ), юрак қисқаришлари сони (ЮҚС), қоннинг кислород билан тўйинганлиги (SpO₂) мониторинги ҳамда артериал босимнинг инвазив назорати EDAN V6 (Хитой) мониторидан фойдаланган ҳолда билак артериясини катетеризацияси усули билан амалга оширилди. Марказий гемодинамика кўрсаткичлари қизилўнғач орқали эхокардиография (SonoScape) ёрдамида баҳоланди. Тадқиқот 6 босқичда ўтказилди: қабул қилиш пайтида, АИК улангандан кейин, РИТга ўтказишда, 1-кунлик даврда, 72 соатдан сўнг ва чиқарилиш кунида.

Статистик қайта ишлаш (M±m) Statistica 10.0 дастурида Стъюдентнинг t-мезони, Пирсон корреляцияси ва Манн–Уитни мезони қўлланилган ҳолда бажарилди; фарқлар $p < 0,05$ бўлганда ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланишлари бўлган беморларда ҳаёт фаолиятини таъминловчи асосий тизимлар ва тизимли яллиғланиш маркерлари дастлабки ҳолатининг клиник-функционал тавсифи»**. Марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичлари бўйича коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган 160 нафар беморда юрак-қон томир тизимининг дастлабки функционал ҳолатини баҳолаш ўтказилди. Аксарият беморларда гипертензив-гиподинамик диссоциация аниқланиб, ҚФ 45-55% гача ва ундан пастга тушганда гипокинетик типга мойиллик аниқланди, бу ҚАЕ I–IIA га мос келади. Гиперкинетик тури кам учраган (7,5%). Иккала гуруҳдаги беморларда (1-асосий гуруҳ ва 2-назорат гуруҳи) АКШ амалиётидан олдин юрак-қон томир тизимининг дастлабки ҳолати (марказий

ва периферик гемодинамика) ЮИК ва ҚАЕ I, ПА даражаси бўлган беморларнинг меъёрларига мос келди.

Худди шундай ҳолат 2-назорат гуруҳидаги беморларда ҳам кузатилди.

ҚФнинг 45 % гача пасайиши (2-гуруҳ) юрак етишмовчилиги ривожланишининг белгиси бўлиб, бу ЗИ, ЮИ нинг мос равишда $23,4 \pm 0,4$ мл, $2,18 \pm 0,04$ мл га сезиларли даражада пасайишида намоён бўлди.

2-гуруҳдаги беморларда ташқи нафас ва газ алмашинуви функциясини тавсифловчи кўрсаткичлар 1-гуруҳдаги беморларга ўхшаб физиологик ўзгаришлар доирасига мос келмади, I, ПА даражали дастлабки нафас етишмовчилиги функционал нафас бузилишлари белгиларининг ривожланишига олиб келди, бу эса НХ, НМХ, ЎТС, ЎМВ мос равишда $3,14 \pm 0,1$ мл/кг, $78,6 \pm 1,3$ мл/мин/кг, $21,4 \pm 1,5$ мл/кг ва $0,25 \pm 0,05$ л/кг га сезиларли даражада пасайишида намоён бўлди. НС дақиқасига $23,1 \pm 0,2$ гача тезлашди, SpO_2 $93,1 \pm 0,4\%$ гача камайди.

Тадқиқотнинг иккала гуруҳидаги беморларда (1-асосий ва 2-назорат) ўпка ҳажми, ўпка вентиляцияси ва нафас олиш механикаси, шунингдек, нафас олиш захираларининг сезиларли ўзгаришларини (пасайиши) I, ПА даражали ҚАЕ (организмда суюқлик ушланиб қолишининг кўпайиши, жигарнинг катталаниши ва ичакнинг ҳаво билан тўлишининг ошиши) билан боғлаш керак.

АКШ дан кейинги асоратлар прогнозини индивидуаллаштириш учун тизимли яллиғланиш маркерларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Операциядан олдинги даврда коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган 160 нафар беморда яллиғланиш маркерларининг дастлабки ҳолати ўрганилиб, уларнинг эрта септик асоратлар хавфи даражаси, ЮИКнинг оғирлиги ва операциядан кейинги кечиши ва натижасига таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқлиги аниқланди. Ўрганилаётган кўрсаткичлар динамикаси статистик аҳамиятли ва чегаравий аҳамиятли фарқлар билан тавсифланди.

Эрта септик асоратларнинг энг эрта ва информатив биомаркерларидан (ишончлилик $>90\%$) бири ўсма некрози омили альфа (\checkmark НО- α), яллиғланиш цитокини ИЛ-6, С-реактив оксил (СРО), прокалцитонин, шунингдек заҳарланишнинг лейкоцитар индекси (ЗЛИ). 2-жадвалдаги тизимли яллиғланиш маркерларининг таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан кўрсаткичларнинг ўртача ўсиши қайд этилган, шу билан бирга иккала гуруҳда ҳам операциядан олдинги даврда барча ўрганилган кўрсаткичларнинг сезиларли ўсиши кузатилган. \checkmark НО- α , ИЛ-6, СРО, прокалцитонин ва ЗЛИ ўртасидаги аниқланган ўзаро боғлиқликлар уларни АКШ дан кейин коронар артерияларнинг кўп томирли шикастланиши бўлган беморларда операциядан кейинги эрта асоратларни башорат қилиш шкаласининг асосий таркибий қисмлари сифатида танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган беморларда яллиғланиш маркерларининг баъзи кўрсаткичлари (M±SD)

Параметрлар	I группа (n=80)	II группа (n=80)	p-Value
ЎНО-α (пг/мл)	9,947±0,811	9,742±0,716	0,092
ИЛ-6 (пг/мл)	32,3±0,4	28,4±0,1	<0,001*
СРО мг/л	3,4±0,8	3,2±0,5	0,060
Прокалцитонин нг/мл	0,08±0,05	0,08±0,04	1,000
Заҳарланишнинг лейкоцитар индекси	2,25±0,04	2,1±0,05	<0,001*

Изох: * — гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан ишончли ($p < 0,05$)

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Интраоперацион ва операциядан кейинги даврда ҳаётни таъминлашнинг асосий тизимлари ва тизимли яллиғланиш маркерлари ҳолатини баҳолаш натижалари**» коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган беморларда миокард ревазуляризацияси бўйича операцияларни ўтказишда операциядан кейинги эрта асоратлар ривожланишини кўп омили прогностлаш шкаласи таклиф этилган.

Асосий гуруҳ беморларида (n=80) клиник-функционал, операцион ва яллиғланиш омилларининг (жарроҳлик усули, семизлик даражаси, юрак индекси (ЮИ), ҚАЕ даражаси (NYHA), ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), стенокардия ФС, функционал синовлар (Штанге, 6 дақиқалик синов), коморбидлик, EuroSCORE II, ЎСВ давомийлиги ва яллиғланиш маркерлари) диагностик ва прогностик аҳамияти баҳоланди. EuroSCORE II кўрсаткичлари (ёш, анамнезда МИ, ҚФ, билирубин, креатинин) моделга қайта киритилмади. Танлаб олинган доминант омиллар юқори сезувчанлик, ўзига хослик ва LR+ билан ажралиб туради, бу эса операциядан кейинги эрта асоратларни башорат қилиш шкаласини яратишда улардан фойдаланишни асослайди. Статистик ишлов бериш конструктив мантиқ моделида Кулбак ўлчови бўйича белгиларнинг информативлигини ранжирлаш билан кетма-кет таниб олиш усули ёрдамида амалга оширилди. Энг информатив предикторлар 3-жадвалда келтирилган.

Ҳар бир прогностик белгига баллли коэффициент берилди; жами баллар йиғиндиси асосида эрта операциядан кейинги асоратлар хавфи қуйидагича аниқланди: паст (12–20), ўрта (21–30), юқори (31–40) ва жуда юқори (≥ 41) (4-жадвал). Кўп омили шкала коронар артерияларнинг кўп томирли зарарланиши бўлган беморларни стратификация қилишни таъминлаб, операция олди ва операциядан кейинги интенсив терапиянинг дифференциал алгоритмларини шакллантириш имконини берди ва асосий гуруҳ беморлари учун операция олди терапияси индивидуал режалар асосида ишлаб чиқилди (1-расм).

3-жадвал

Асосий гуруҳ беморларда операциядан кейинги эрта асоратларнинг прогностик хавф омиллари (n=80)

Йўқ	Хавф омиллари	сон	%
1.	Цитокинлар	80	100%
2.	Ёндош патология	72	90%
3.	Тўлиқ ўрта стернотомия	72	90%
4.	Сунъий қон айланишини ўтказиш	71	88,75%
5.	Функционал синов натижаларининг ўзгариши	63	78,75%
6.	Қон айланишининг етишмовчилиги	62	77,5%
7.	Ўпка тириклик сигимининг пасайиши	60	75%
8.	Семизлик	42	52,5%
9.	узайтирилган сунъий ўпка вентилияцияси	34	42,5%
10.	Юрак индексининг пасайиши	32	40%

Базис терапия β -адреноблокаторлар (бисопролол/небиволол), верошпирон 50-100 мг/сут, торсемид 5-10 мг/сут, эноксапарин 0,4-0,6 ТБ ҳар 12 соатда (операциядан 12 соат олдин бекор қилинади) ва неотон 1-2 г/сут метаболоик қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган. Юқори ва жуда юқори хавф бўлган беморларга қўшимча равишда улинастатин 100 минг. ТБ 0,9% NaCl 100 мл дан кунига 2 марта операциядан олдин тайинланган.

СҚА кўшилгандан сўнг, паст хавф гуруҳидаги беморларда ЎДБ 1,05 баравар ва ўрта хавф гуруҳидаги беморларда 1,01 баравар ошди, шу билан бирга УПКТҚ иккала гуруҳда ҳам 1,13 баравар ошди, кейинчалик гемодинамика кўрсаткичлари барқарорлашди.

72 соатдан сўнг паст хавф гуруҳидаги беморларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ЎДБ 1,19 марта ва УПКТҚ 1,26 марта пасайиши қайд этилди. Такдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, операциядан кейинги асоратлар хавфи паст бўлган беморларда интенсив терапия тактикасининг қўлланилиши марказий ва периферик гемодинамика кўрсаткичларига яққол салбий таъсир кўрсатмайди. Операциядан кейинги даврда кузатилган аҳамиятсиз ўзгаришлар тўлиқ қайтарувчан бўлиб, махсус кардиологик коррекциядан сўнг бутунлай бартараф этилди.

Касалхонадан чиқарилгунга қадар ўртача хавфдаги беморларда ЎДБ 1,26 марта, УПКТҚ - 1,34 марта, шунингдек, юрак уриш тезлигининг 1,09 марта пасайиши кузатилди.


Юқорида баён этилганлар операциядан кейинги асоратларнинг ўртача хавфи бўлган беморларда интенсив терапия тактикасининг алгоритмини қўллаш мақсадга мувофиқ ва нисбатан хавфсиз эканини кўрсатади. Шунингдек, операциядан кейинги даврда гемодинамикага ижобий таъсир кўрсатиб, қон айланишининг гиподинамик режимини эукинетик режимга ўтиш тенденциясини намоён этади.

4-Жадвал

Операциядан кейинги эрта асоратларни кўп омилли прогнозлаш шкаласи

Хавф омиллари	Балл	Хавф омиллари	Балл
Семизлик даражалари		Юрак индекси (л/ дақ/м²)	
ТВИ - 25-29,9 кг/м ²	1	2,8-2,5	1
ТВИ - 30-34,9 кг/м ²	2	2,4-2,0	3
ТВИ - 35-39,9 кг/м ²	3	< 2	5
ТВИ - ≥ 40 ва ундан ортиқ кг/м ²	5	Ўпканинг тириклик сифими (мл/кг)	
НУНА бўйича қон айланиш етишмовчилиги		60-70	1
I даража	1	59-50.	2
II даража	2	49-40.	3
III даражали	3	< 40	5
IV даража	5	Функционал синовлар натижаси	
		Захиралар сақланди	1.
Узоқ муддатли ЎСВ		Захиралар камайтирилди	2
1 кунгача	4	Захиралар кескин камайди	4
2 кунгача	5	Йўқ	5
2 кундан ортиқ	5	EuroSCORE II	
Стенокардиянинг функционал синфи		паст (0-2 балл)	2
ФС I	2	Ўрта (3-5 балл)	4
ФС II	4	Юқори (>6 балл)	5
ФС III	5		
ФС IV	5		
Коморбидлик		Яллиғланиш маркерлари	
Битта ёндош патология	2	Меъёрида	2
Иккита ёндош касаллик	3	Кўтарилган	5
Иккитадан ортиқ ёндош касалликлар	5	Кескин оширилган	5
Операцион кириш		АИКни улаш	
чапдан олдинги торакотомия	2.	ИКсиз операция	4.
субксифоид ўрта лапаротомия	3.	ИКни ўтказиш	5.
Тўлик ўрта стернотомия	5.		


Изоҳ: жами 61 балл. Дастлабки ҳолатнинг хавф даражаси паст -ДПК (дастлабки прогностик кўрсаткич) 12-20 балл, ўрта - ДПК 21-30 балл, юқори - ДПК 31-40 балл, жуда юқори - ДПК 41-60 балл.



1-расм. Операциядан кейинги асоратлар хавфининг оғирлик даражасига қараб интенсив терапия тактикаси алгоритми.

2-расмдан кўриниб турибдики, юқори хавфга эга бўлган беморларда гемодинамика ҳам гипертензив-гиподинамик диссоциацияга мос келди: физиологик меъёрга нисбатан бир вақтнинг ўзида ЗИ 1,15 марта ва ЮИ 1,08 марта пасайиши билан ЎДБ 1,09 марта, ЮУТ - 1,12 марта ва УПКТҚ- 1,23 марта ошиши кузатилди. Жуда юқори хавфга эга бўлган беморларда дастлаб гиподинамик қон айланиш тури устунлик қилди, бу УПКТҚнинг 1,33 баравар, ҚДнинг 1,14 баравар ва юрак уриш тезлигининг 1,17 баравар ошиши, шунингдек, ЗИнинг 1,25 баравар ва ЮИнинг 1,09 баравар пасайиши билан

тавсифланади, бу эса периферик вазоконстрикциянинг кучайиши ва миокарднинг насос функциясининг пасайишини акс эттиради.



Изох: * — бошланғич кўрсаткичлар билан таққослаганда статистик жиҳатдан ишончли фарқлар ($p < 0,05$).


2-расм. Аортокоронар шунтлашдан кейин асосий (юқори ва жуда юқори хавфли) гуруҳдаги беморларда юрак уриш тезлиги ва ўртача динамик босим(УДБ) кўрсаткичлари

